

ЮКУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРИДА ИШЛАТИЛАДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ ДОРИ ШАКЛЛАРИ БЎЙИЧА ТАХЛИЛИ

Г.Э. Содиқова, Е.Б.Журавлёва, А.Ф.Акромова

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

Ишнинг мақсади: дори воситаларининг фармакотерапевтик гуруҳлардаги ассортимент чуқурлиги миқдорий кўрсаткич бўлиб, ҳар бир дори номи остидаги турли шакли кўринишнинг сони билан белгиланади. Юқумли касалликларини даволашда ишлатиладиган дори воситалари фармакотерапевтик гуруҳлардаги дори шакллариининг маркетинг тахлили мақсад қилиб олинди.

Усуллар: юқумли касалликларини даволаш ва олдини олишда ишлатиладиган дори воситаларининг даволаш стандартлари ва “Ўзбекистон Республикасида қайд этилган дори воситалари ва тиббий буюмларининг Давлат Реестри” маълумотларининг тахлили контент усули асосида олиб борилди.

Натижалар: юқумли касалликларида ишлатиладиган дори воситаларини чет эл, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган ва Давлат Реестрда қайд этилган дори шакллари позициялар бўйича тахлил қилинди. Бунда чет эл корхоналарида ишлаб чиқарилаган дори воситаларининг дори шакллари позициялари бўйича инъекцион эритма тайёрлаш учун кукунлар – 135та позиция. Дори воситаларининг таблетка шаклдаги позициялар сони 103тани ташкил этди. Инъекцион дори воситалари эса 69та позициядан иборат. Томчи, сироп, пастилка, спрей, крем, лиофилизат, гранула ва малхам ҳолатидаги дори воситаларини умумийлаштирилганда 56та позициядан иборат. Капсула шаклида 47та позиция, драже шаклидаги дори воситалар 10та позициядан иборатлиги аниқланди. МДХ корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган инъекцион дори воситалари 109та позицияда, эритма тайёрлаш учун кукунлар 80та позицияни эгаллаган. Томчи, сироп, гранула ва малхамлар 75та, таблеткалар 69та, капсулалар 44та, драже шаклидаги дори воситалар 20та позициядалиги аниқланди. Маҳаллий корхоналарда инъекцион эритмалар 65та позициядан ташкил топган. Сироп, малхам, доривор ўсимлик хом ашёси 46та позициядадир. Инъекцион эритма тайёрлаш учун кукун 20та позицияни ташкил қилди. Капсула ва таблеткалар бир хил миқдорда 9та позицияни эгаллаган, лекин драже шаклдаги дори воситалар маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан қайд этилмаганлиги аниқланди.

Хулосалар: юқумли касалликларни даволашда ишлатиладиган дори воситаларнинг Давлат Реестрда чет эл корхоналари томонидан энг кўп инъекцион эритма тайёрлаш учун кукун ва таблетка шаклида булиб 21,4%ни, МДХ корхоналаридан – инъекцион дори воситалар- 20,1%ни, маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан – инъекцион дори воситалар, сироп, малхам – 17%ни энг кўп қайд этилган шакллари аниқланди.